

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017.Fil. 21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

МЎМИНОВА АЗИЗА АРСЛОНОВНА

**ФРАНЦУЗ, ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА УНДАШНИ ИФОДАЛОВЧИ
ТИЛ БИРЛИКЛАРИНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира
тилшунослик ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент — 2018 йил

**Филология фани бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Мўминова Азиза Арслоновна

Француз, ўзбек ва рус тилларида ундашни ифодаловчи тил
бирликларининг лингвомаданий хусусиятлари 3

Муминова Азиза Арслоновна

Лингвокультурологические особенности языковых единиц,
выражающих побуждение во французском, узбекском и русском
языках 23

Muminova Aziza Arslonovna

Linguocultural peculiarities of language units expressing incentive in
French, Uzbek and Russian 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017.Fil. 21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

МЎМИНОВА АЗИЗА АРСЛОНОВНА

**ФРАНЦУЗ, ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА УНДАШНИ ИФОДАЛОВЧИ
ТИЛ БИРЛИКЛАРИНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира
тилшунослик ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент — 2018 йил

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Fil92 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифанинг www.tashgiv.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот – таълим портали www.ziynet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар	Тешабаева Дилфуза Муминовна филология фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Ширинова Раима Хакимовна филология фанлари доктори Худайбергенова Зилола Нарбаевна филология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон миллий университети ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи DSc. 27.06.2017.Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг «___» _____ 2018 йил соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 16. Тел.: манзил бўйича: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru).

Диссертация билан билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 16. Тел: (99871) 233-45-21;

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

А.М. Маннонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол. ф.д., профессор

Қ.Ш. Омонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д., доцент

Г.Х. Боқиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида турли тизимли тилларнинг нутқий фаолият жараёнини тадқиқ қилиш илмий ва амалий аҳамият касб этмоқда. Шу боис қиёсий тилшуносликда француз, ўзбек ва рус тилларидаги ундашни ифодаловчи тил бирликларининг лингвомаданий хусусиятлари комплекс равишда таҳлил қилинмаганлиги алоҳида эътибор талаб қилади. Ундашни ифодаловчи тил бирликларининг лингвомаданий хусусиятларини ўрганиш турли миллий маданият ва менталитетга эга коммуникантлар ўз хоҳиши, истаги, ихтиёри ва ниятидан келиб чиқиб, тингловчини бирор ҳаракатни амалга оширишга ундаш нутқий акти ижобий ёки салбий якун топиш омилларини очиш имкониятини беради.

Бугунги кунда жаҳон тилшунослигида ундаш категориясининг ифодаланиш жиҳатларини ёритиб бериш, уларнинг миллий-маданий хусусиятларини таҳлил этиш сингари устивор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мустақиллигимизнинг илк кунларидан бошлаб ёшларнинг мустақил фикрга эга бўлиши, юксак маънавиятли ва салоҳиятли ёшлар дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ҳамда имкониятлари сафарбар этилмоқда. Тараққиёт тамойилларига асосланган ҳолда «.....илмий тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ҳамда инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш»¹га алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги куннинг талаби турли тизимли тилларни ўқитишда талабаларга чет тилидаги нутқий фаолиятни ўша тилнинг маданияти, менталитети, ижтимоий муносабатлари ва дунёқарашидаги ўзига хослик асосида тузишни ўргатишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ № 1875-сон «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармон ва қарорларида, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Ахборотлаштирилган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. / Халқ сўзи, 2017 йил, 8 феврал. – № 28.

шакиллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тилшуносликда ундаш категорияси, уларнинг функционал-семантик жиҳатларига бағишланган кўплаб ишлар чоп этилган. Шу ўринда Ш.Балли, Ф.Брюно, В.Гак, М.М.Бикель, К.А.Долинин, А.А.Романов, Н.И.Формановская, А.О.Любимов, Б.А.Абрамов, Е.И.Беляева, Ц.Саранцацрал, Е.А.Филатова, Г.И.Муллаянова, Г.Г.Яковлева, К.С.Неустроев, А.Ю.Маслова, А.Е.Волкова, В.Е.Иосифова, Е.В.Лобанова, Н.Фатиме, Ш.Сафаров, Ж.Е.Сейтжанов ва бошқалар изланишларини алоҳида қайд этиш лозим².

Ундаш категорияси бевосита модаллик категорияси билан боғлиқ бўлганлиги сабабли модалликни ўрганишга бағишланган кўпгина асарларда ундаш тушунчасига оид маълумотларни ҳам учратиш мумкин (Ж.А.Ёқубов, Г.Н.Зикриллаев, В.Е.Иосифова, А.Е.Волкова, М.М.Жўраева³ ва бошқ.).

Бироқ хорижий тил муаммоларини она тили – ўзбек тили масалалари билан қиёсий тадқиқ этиш доирасида ундашни ифодаловчи тил бирликларининг лексик-грамматик қўлланишини қиёсий-типологик ўрганиш, уларнинг нутқда қўлланилиши ва ифодаланиш йўллари батафсил таҳлил

² Балли Ш. Язык и жизнь. – М., 2003. С. 55-60; Brunot F. La pensée et la langue. – P., 1936. P. 514; Гак В.Г. Теоретическая грамматика французского языка. – М., 2004. С. 312; Бикель М.М. Языковые средства выражения побудительности и их стилистическое значение (на материале немецкого языка): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Л., 1968; Долинин К.А. Коммуникативные варианты французского простого предложения. – Л., 1975; Романов А.А. Коммуникативно-прагматические и семантические свойства немецких высказываний-просьб: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Калинин, 1982; Формановская Н.И. Способы выражения просьбы в русском языке. Прагматический подход // Русский язык за рубежом. 1984. № 6; Любимов А.О. Средства выражения побуждения в современном португальском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1984; Беляева Е.И. Модальность и прагматические аспекты директивных речевых актов в современном английском языке: Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – М., 1988; Абрамов Б.А. Функционально-семантическое поле побудительности в немецком языке // Функционально-типологические аспекты анализа императива. – М., 1990; Саранцацрал Ц. Речевые акты побуждения, их типы и способы выражения в русском языке: Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – М., 1993; Филатова Е.А. Побудительные высказывания как речевые акты в современном русском языке: Дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1997; Муллаянова Г.И. Побудительная модальность: императивные ситуации и их реализация в современном французском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Н. Новгород, 1997; Яковлева Г.Г. Директивный дискурс в диалогическом пространстве разных языков: строевые и функциональные аспекты описания: Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Тверь, 2005; Неустроев К.С. Способы выражения побуждения и воздействия (на материале современного английского языка): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ростов-на-Дону, 2008; Маслова А.Ю. Коммуникативно-семантическая категория побудительности и ее реализация в славянских языках (на материале сербского и болгарского языков в сопоставлении с русским): Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – М., 2009; Волкова А.Е. Импликация семантики побудительности в составе высказываний с непрямой формой побуждения // Вестник Волгоградского гос. ун-та. Серия 2, Языкознание. 2011. №1 (13); Иосифова В.Е. Русский императив в грамматической системе и в разговорной речи: Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – М., 2011; Лобанова Е.В. Средства выражения побудительности в английском языке: когнитивно-онтологический подход: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Самара, 2011; Назари Фатиме. Способы выражения побуждения в современном русском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2012; Сафаров Ш. Прагмалингвистика. Монография. – Т., 2008; Сейтжанов Ж.Е. Инглиз ва ўзбек тилларида ундашнинг қиёсий тадқиқи: филол. фанл. номз. ...дисс. – Т., 2012.

³ Ёқубов Ж.А. Модаллик категориясининг мантиқ ва тилда ифодаланиш хусусиятлари: Филол. фанл. докт. ...дисс. – Т., 2007; Зикриллаев Г.Н. Модальность и система форм изъявительного наклонения: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1978; Иосифова В.Е. Русский императив в грамматической системе и в разговорной речи: Автореф. дисс. докт. филол. наук. – М., 2011; Волкова А.Е. Импликация семантики побудительности в составе высказываний с непрямой формой побуждения // Вестник Волгоградского гос. ун-та. Серия 2, Языкознание. 2011. №1 (13); Жўраева М.М. Француз ва ўзбек эртақларида модаллик категориясининг лингвокогнитив, миллий маданий хусусиятлари: Филол. фан. докт. ...дисс. Автореф. – Т., 2017.

этиш, француз, ўзбек ва рус тили материаллари асосида ундашни ифодаловчи тил бирликларининг лингвомаданий хусусиятларини очиб бериш янада тилнинг серқирралигини намоён қилишга кўмаклашади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг «Тилшуносликнинг долзарб муаммолари» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқ равишда олиб борилган.

Тадқиқотнинг мақсади француз, ўзбек ва рус тилларидаги ундашни ифодаловчи тил бирликларининг лингвомаданий хусусиятларини тадқиқ қилиш ва ҳар бирига хос ўхшаш ва фарқли томонларини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ундаш категорияси назариялари ҳақида билдирилган жаҳон тилшунослигидаги фикр-мулоҳазаларга муносабат билдириш;

француз, ўзбек ва рус тилларида ундашни ифодаловчи тил бирликларини таснифлаш;

қиёсланилаётган тилларда ундашнинг прескрептив, реквестив ва суггестив турларини таҳлил қилиш;

француз, ўзбек ва рус тилларида ундашни ифодаловчи тил бирликларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини кўриб чиқиш;

ундашни ифодаловчи тил бирликлари мисолида тил ва маданият уйғунлигини очиб бериш;

француз, ўзбек ва рус тилларидаги ундашда нутқий этикет формулаларининг қўлланилиш даражасини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида француз, ўзбек ва рус тилларида ундашни ифодаловчи тил бирликлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети француз, ўзбек ва рус тилларида ундашни ифодаловчи тил бирликларининг лингвомаданий хусусиятларини ўрганиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тавсифий, дистрибутив, қиёсий-типологик, семантик, лингвомаданий таҳлил ва усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

француз ва рус маданиятига хос ундаш категориясининг қатъийлиги ва мажбурийлиги феълнинг инфинитив шакли билан бўрттирилиши, ўзбек тилида андиша, ҳурмат, хушмуомалалик каби қадриятларни акс эттирувчи ва ундашни юмшатувчи феъл майллари қўлланилиши аниқланган;

француз, ўзбек ва рус тилларида ундашни ифодаловчи тил бирликларининг лингвомаданий хусусиятлари дастлаб ундаш турлари ва мулоқот вазиятидаги коммуникантлар мавқеи билан боғлиқлиги далилланган;

ундашни ифодаловчи прескрептив, реквестив, суггестив турларнинг қўлланилишидаги ўхшашлик қиёсланаётган тилларда феълнинг буйруқ майли шаклларида, ундаш семаларига эга махсус сўзлар ёрдамида ҳамда от,

равиш ва ундов сўзларнинг ундашни ифодалаб келишида мужассамлашганлиги бадиий матнлар мисолида асосланган;

француз, ўзбек ва рус тилларида нутқ соҳибларининг муомала-маданияти ва одоб-ахлоқини акс эттирувчи хушмуомалалик семалари ҳамда нутқий этикет бирликлари ундаш жараёнининг асосий омили эканлиги изоҳланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ундашни ифодаловчи тил бирликларининг миллий-маданий хусусиятлари француз, ўзбек ва рус тиллари мисолида очиб берилган ва турли тизимдаги тил бирликлари таҳлили орқали миллат дунёқараши, урф-одатларининг умумий ва хусусий жиҳатларининг уйғунлашуви асосланган.

Француз, ўзбек ва рус халқининг қатор маданий доминанталари аниқланган ва уларнинг ундаш категорияси билан ўзига хослиги белгиланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги чиқарилган хулосаларнинг қатъийлиги, қўлланилган ёндашув ва методлар ҳамда уларнинг назарий асослари француз, ўзбек ва рус тилларидаги луғатлар, илмий ҳамда бадиий адабиётлардан олинган мисоллар таҳлилининг ўзаро мувофиқлиги билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти турли тизимга кирувчи француз, ўзбек ва рус тилларида ундашни ифодаловчи тил бирликларининг лингвокультурологик таҳлили натижалари қиёсий тилшунослик, лексикология, лингвокультурология ва лингвокогнитология соҳасидаги тадқиқотларни бойитаётганлиги билан аниқланади. Диссертацияда келтирилган назарий хулосалар турли тизимли тилларда ундаш категорияси ифодаси ва миллий-маданий хусусиятларини ёритишда манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижалари филология йўналишида таҳсил олаётган талаба, тадқиқотчи, таржимонлар учун маъруза курслари ва семинар машғулотларида шунингдек, диссертация ишлари, монография, дарслик, ўқув қўлланмалари ёзишда ва луғатлар тузишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Француз, ўзбек ва рус тилларида ундаш категориясининг миллий-маданий хусусиятларини аниқлашда ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

чет тилини эгаллашнинг компетенциялари асосида ундаш категориясининг миллий-маданий хусусиятлари филология йўналишида таҳсил олаётган талабалар учун мўлжалланган дарслик мазмунига сингдирилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 27 ноябрдаги ФТА-02-11/1192-сон маълумотномаси). Жорий этилган материаллар француз, ўзбек ва рус тилларида ундаш категориясининг миллий ўзига хосликларини очиб беришга хизмат қилади.

таълим муассасаларида чет тилларини ўрганиш жараёнида француз ва рус маданиятига хос ундаш категориясининг қатъийлиги ва мажбурийлиги феълнинг инфинитив шакли билан бўрттирилиши, ўзбек тилида андиша,

хурмат, хушмуомалалик каби кадрияларни акс эттирувчи ва ундашни юмшатувчи феъл майллари қўлланилишининг хусусиятларини очиб беришга доир хулосалар Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги 124-сон «Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорининг 1-илоvasи билан тасдиқланган меъёрий ҳужжатларни тайёрлашда фойдаланилди. (Халқ таълими вазирлиги Республика таълим марказининг 2017 йил 19 декабрдаги 01/11-01/07-1838-сон маълумотномаси). Таклиф этилган материаллар ундашни ифодаловчи тил бирикларининг миллий маданиятни характерловчи «андиша», «хурмат», «хушмуомалалик» каби кадриялар асосида француз, ўзбек ва рус маданиятида қўлланилиш хусусиятларини очиб беришга хизмат қилади.

турли тизимли тилларни ўқитишнинг замонавий технологияларини кенг тарғиб этиш мақсадида Ўзбекистон миллий телеродиокомпаниясининг «Yoshlar» телерадиоканали акциядорлик жамияти қошидаги «Volajon» телеканалининг «Қувноқ алифбо», «Китоблар мамлакатида» номли телекўрсатув эшиттиришларида тадқиқот асосида ишлаб чиқилган усуллардан фойдаланилмоқда (Ўзбекистон миллий телеродиокомпанияси «Yoshlar» телерадиоканалининг 2017 йил 16 ноябрдаги 14-35-452-сон маълумотномаси). Диссертацияда келтирилган буйруқ, рухсат, тақик, илтимос, ўтинч, огоҳлантириш семаларининг ўзбек ва рус тилида ифодаланиши ҳамда уларнинг муқобилларини топиш, ўзаро ўхшаш-ноўхшаш томонларини инобатга олиш зарурлиги кўрсатиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган, шулардан 14 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, 13 таси республика ва 3 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, боблар бўйича хулосалар, ишнинг хулосаси, фойдаланилган илмий ва бадиий адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг асосий ҳажми 144 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, илмий ва амалий аҳамияти аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижалар асосида тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий

қилиниши, ишнинг апробацияси, натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тилшуносликда ундаш категорияси: таъриф ва тасниф**» деб номланган биринчи бобда модаллик, ундаш категориясига оид илмий қарашлар ўрганилган ҳамда улар янги назарий фикрлар билан бойитилган.

Модаллик ниҳоятда кенг тушунча бўлиб, унга бериладиган таърифларда бир-бирига ўхшашликни учратиш мушкул. М.А. Абдураззоков таъкидлашича, «модаллик характери ҳаракатнинг бажарилиши керак бўлган (*devoir* феъли билан), мумкин бўлган (*pouvoir* феъли билан) ёки бажарилиши мумкин бўлмаган (*ne pas pouvoir faire* модаллиги билан) тил меъёрларига мувофиқ ифодаланади. Модаллик мазмуни замирида эса вазият иштирокчиси, яъни истакни ифодаловчи модал субъект туради»⁴.

Ж.А. Ёқубов «модаллик категориясининг мазмуни ва унинг ҳажми ҳақида ягона фикр йуқ. Масаланинг мураккаблашиб кетиши шу билан изоҳланадики, лингвистик модаллик билан мантиқий модаллик бир-бирига тўлалигича мос келмайди. Модаллик ҳам тилшуносликнинг, ҳам мантиқнинг ўрганиш объектидир. Биринчисида – модаллик гапнинг энг муҳим белгиси сифатида қаралса, иккинчисида – тафаккур шакли сифатидаги ҳукмнинг муҳим белгиси сифатида қаралади», – дея таъкидлайди⁵.

Ундаш модаллик категорияси негизида шаклланиб, бир қанча унсурларни умумий ундаш семаси остида бирлаштирилганлиги сабабли ва бу унсурлар мураккаб бир бутунликнинг таркибий қисми сифатида адресатни бирор бир иш-ҳаракатга ундаса-да, улар бир-бирини кесиб ўтмаслиги, такрорламаслиги ва ўзига хос ундаш моҳиятига эгаллиги боис тилшунос олимлар томонидан мустақил категория деб ажратилади. Мустақил категория сифатида ундаш ўз мазмун ва ифода жиҳатига эга. Мазмун томони коммуникатив-прагматик ва семантик моҳияти билан белгиланса, ифода жиҳати уни ифодаловчи тил бирликлари хилма-хиллиги, тилнинг барча жабҳаларида намоён бўлиши мумкинлиги билан тавсифланади.

Ундаш – сўзловчининг хоҳиши, истаги, ихтиёри ва ниятини билдириб, у орқали сўзловчи тингловчини бирор фаолиятни амалга оширишга ундайди. Ундаш жараёнида 2 та субъект, яъни адресант ва адресат керак бўлиб, уларнинг иштирокида нутқ акти ҳосил бўлади⁶. Бунда адресант (немисча *adressant*) – нутқий мулоқот матнини ифодаловчи шахс. Адресат (немисча *adressat*) – ҳақиқатда ёки бўлиши эҳтимол тутилган, нутқий мулоқот матнини эшитувчи ёки қабул қилувчи шахс⁷.

⁴ Абдураззоков М.А. Семантическая структура высказывания (Семантические типы субъектов и предикатов): Автореф. дисс... докт. филол. наук. – М., 1985. – 28 с.

⁵ Ёқубов Ж. Лингвистикада модаллик категорияси // Филология масалалари. 2003. № 3-4. – Б. 54-56.

⁶ Саранцацрал Ц. Речевые акты побуждения, их типы и способы выражения в русском языке: Автореф. дисс. ...докт. филол. наук. – М., 1993. – С. 11.

⁷ Шукин А.Н. Лингводидактический энциклопедический словарь: более 2000 единиц – М.: Астрель: АСТ: Хранитель, 2008. – С. 24.

«Ҳақиқатдан ҳам нутқий фаолият ташаббускори, яъни сўзловчи шахс объект ҳақидаги маълумотни тингловчига етказиш учун ушбу объектнинг «қандайдир» хислатларини танлайди ва шу хислат асосида объектга баҳо беради ҳамда баҳо маълумотини адресатга узатади. Бундай баҳо бериш ахбороти эса, ўз навбатида, тингловчига таъсир ўтказиш ва уни бирор бир хатти-ҳаракат, фаолиятга ундаш мақсади учун хизмат қилади»⁸.

Бизнингча ундаш нутқ актининг бир турики, унда сўзловчининг тингловчига нисбатан хоҳиши, истаги, ихтиёри ва нияти берилади.

Ундаш тушунчаси тилларда ўхшашлик ва ўзига хослиги билан ажралиб туради. Ўхшашлиги ундаш категория сифатида қаралиши бўлса, ўзига хослиги ўзбек тилшунослигида ундаш тушунчасини ифодалашда ундов атамасидан ҳам фойдаланилиб, у ундаш маъносидан ташқари ундов – сўз туркуми, ундов – умуман ҳис-ҳаяжонни ифодаловчи гап тури сифатида ҳам қўлланишидадир.

Рус тилида «императив» ва «ундаш» тушунчалари орасида фарқлар борлиги айтилсада, ундашнинг эквиваленти сифатида императив термини қўлланилиши ҳам учрайди. Е.А. Филатова ундаш – императивнинг нутқдаги ифодаси, императив форманинг мазмуний томони, ундаш ифодасининг яққол тури (илтимос, маслаҳат, таклиф, буйруқ ва б.)⁹.

Умуман олганда, ундаш ниҳоятда кенг тушунча бўлиб, уни ҳар бир тил соҳиби ўз тил хусусиятидан келиб чиқиб тушунади. Масалан, икки русийзабон вакиллардан бири буйруқ (приказ) ва амр (приказание)ни ажратса, иккинчиси улар ўртасида фарқ мавжуд эмас дейиши мумкин¹⁰.

Ундаш турлари бўйича Е.И.Беляева ушбу категорияга тегишли семаларини кенг қамровда тўлиқ очиб беради: прескриптив (адресатга иш-ҳаракатни амалга оширишни буюрувчи гап-жумлалар); реквестив (сўзловчи манфаатини кўзлаб бажариладиган иш-ҳаракатни амалга оширишга ундовчи гап-жумлалар); суггестив (маслаҳатни ифодаловчи гап-жумлалар)¹¹.

Прескриптив ундашларга *буйруқ, фармойиш, рухсат, тақиқ, йўл-йўриқ*; реквестив ундашларга *илтимос, ўтинч, таклиф*; суггестив ундашларга эса *маслаҳат, тавсия ва огоҳлантириш* киритилади.

Ундашнинг семантик планида адресатнинг менталитетидан келиб чиққан ҳолда, сўзловчининг мурожаати ифодаланади (индивид бирор бир тушунчани англаб етишида ўз менталитетига таянган ҳолда тасаввурга эга бўлади). Ундашнинг грамматик планида эса сўзловчи мулоқот жараёнида энг тўғри усулни танлаб, ундашни амалга оширади.

⁸ Сафаров Ш. Паралингвистика. Монография. – Т., 2008. – Б. 176.

⁹ Иосифова В.Е. Русский императив в грамматической системе и в разговорной речи Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – М., 2011. – С.8.

¹⁰ Волкова А.Е. Импликация семантики побудительности в составе высказываний с непрямой формой побуждения // Вестник Волгоградского гос. ун-та. Серия 2, Языкознание. 2011. №1 (13). – С. 13.

¹¹ Беляева Е.И. Модальность и прагматические аспекты директивных речевых актов в английском языке: Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – М., 1988. – С. 20.

Ундашнинг прагматик планида мулоқот жараёнида сўзловчининг адресатга йўллаган мурожаати тушунилади. Ундаш прагматик ёндашув томондан яққол кўзга кўринган семантик-прагматик категория ҳисобланиб, у нафақат тилни фикрлашув билан, балки, олам манзарасининг ҳолатлари ҳамда нутқ мулоқотида боғлиқ ҳодисадир.

Ундаш категорияси миллий маданиятни ўзида акс эттирувчи турли тизимли тиллар доирасида ўз ифодасини топар экан, у ўзининг ўхшаш ва фарқли томонлари билан ажралиб туради. Ундаш ифодасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлар, тилнинг миллий-маданий (лингвомаданий) хусусиятлари билан белгиланади.

Француз, ўзбек ва рус тилларида ундаш категориясининг лингвомаданий таҳлили специфик характерга эга. Ундашни ифодаловчи тил бирликларида ментал хусусиятларнинг намоён бўлишини тадқиқ қилиш, биринчидан, лингвомаданий таҳлилнинг лингвомаданиятшунослик фани табиатига ҳамоҳанг мураккаблиги, иккинчидан, ундаш категориясининг ифода жиҳати тилнинг барча қатламларида рўёбга чиқиши мумкинлиги, учинчидан, француз, ўзбек ва рус тиллари турли тизимга мансуб тиллар бўлганлиги сабабли янада мураккаблашади.

Шундай қилиб, мулоқот пайтида гаплардан фойдаланилар экан, албатта, уларнинг тузилиш жиҳатдан семантикасига эътибор қаратиш лозим.

Диссертациянинг «**Француз, ўзбек ва рус тилларида ундашнинг прескриптив, реквестив, суггестив турлари таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида, турли тизимли тиллар мисолида ундашнинг прескриптив, реквестив, суггестив турлари таҳлили амалга оширилган.

Ундашнинг прескрептив тури ўз ичига буйруқ, фармойиш, йўл-йўриқ билан бир қаторда руҳсат ва тақиқ ундашини ҳам олади.

Е.В. Лобанованинг таъкидлашича, ундашнинг прескрептив тури адресатнинг қандай ҳаракат қилиши кераклигига кўрсатма беради, яъни уни йўналтиради¹².

Буйруқ ундашнинг тўғридан тўғри мурожат қилинадиган тури бўлиб, сўзловчи унинг асосидир, унда буйруқ бериш ҳуқуқи мавжуд. Дарҳақиқат, унинг ўзи шу мурожатнинг бажарилиш ёки бажарилмаслигига маъсул шахс ҳисобланади. Қиёсланаётган тилларда қуйидагича ифодаланиши кузатилди: *Quelques semaines avant l'audience, l'appelant a déposé une requête demandant à la Chambre d'appel d'ordonner au Procureur de communiquer des preuves à décharge*¹³. Буйруқ махсус *ordonner* сўзи билан берилган бўлиб, француз тилининг 1-гуруҳ феъллар гуруҳига мансуб ҳамда у феълнинг ноаниқ шаклидадир. *Кларакон автобус шофёрига буйруқ берди. Сиз ҳайдайверинг, Лочин иккимиз етиб оламиз!*¹⁴ Ушбу мисолда *ҳайдайверинг* – *ҳайдамоқ* феълининг буйруқ майли, иккинчи шахс шаклида ифодаланган.

¹²Лобанова Е.В. Средства выражения побудительности в английском языке: когнитивно-онтологический подход: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Самара, 2011. – С. 11.

¹³ Jean Anouilh. Antigone. – Р., 2009. – Р. 14.

¹⁴ Ёқубов О. Танланган асарлар. – Т., 2005. – Б. 55.

– *Немедленно приезжай*, – стрекотала маменька, понизив голос, добавила: – *Знаю, что ты вредный, но Антоша, святая простота, расстроится, не увидев тебя!*¹⁵ Буйруқ ундаши *приезжай* – *приезжать* феълинг 2 шахс бирликдаги буйруқ майли ёрдамида бевосита берилган.

Буюриш ифодаси тил қонуниятларига мувофиқ, оҳанг ёки буйруқ маъносини берувчи лексик бирликлар ва грамматик воситалар билан акс эттирилади. Бу ҳолат турли тизимли тиллар, жумладан, француз, ўзбек ва рус тилларида турлича намоён бўлади.

Тадқиқотда буйруқнинг турлари қиёсланаётган тилларда таҳлилга тортилган ва ўхшаш ва фарқли жиҳатлари аниқланган.

Буйруқ ва фармойиш ундашлари инсонлар муомаласини нутқий мулоқот жараёнида юзага келадиган ҳаёт тарзи билан боғлиқ бўлган ҳолатларга асосланиб берилади. Буйруқ ва фармойиш ундашлари орқали адресантнинг даражаси, хохиши, истаги, ихтиёри ва ниятини билдириб, адресатни бўйин сўндиришидан иборат, улар сўзловчининг мавқеига боғлиқлиги, адресантнинг истаги бажарилиш даражаси юқорилиги билан ажралиб туради.

Ўзбек олими Ғ.Н. Зикриллаев ёзишича, рухсат ва тақик категорияларини ифодалашда эмоционалликнинг ўрни беқиёсдир. Бирор нимага ундашда адресантнинг рухсати адресат учун зарур¹⁶.

Рухсат сўзловчи томонидан тингловчига нисбатан ўзининг истагини амалга ошишига тўсқинлик қилмасликка ишора қилган ҳолда нутқ меъёрларига риоя қилишни талаб қилади.

– *Voulez-vous me **permettre** de vous embrasser, mademoiselle?*

– *Je veux bien, monsieur, pour aujourd’hui; mais ce ne sera pas toujours comme ça!*¹⁷ Мисолда *permettez* сўзи иштирокида рухсат сўралмоқда. Рухсат ундаши феъл орқали ифодаланиб, тўлдирувчи эргаш гапнинг бош гапида ҳозирги замонда қўлланмоқда.

*Азиз дўстлар! Агар **рухсат берсангизлар**, районимиз фахри ва ифтихори Лочинжонни битта ўпаман!*¹⁸ Ўзбек тилида *рухсат берсангизлар* сўз бирикмаси француз тилида *permettez* сўзи орқали ифодаланмоқда. – *Разреши тебе напомнить, – ядовито сказал Макс, – о домашней птице, обладательнице вкусного диетического мяса!*¹⁹

Диссертацияда ундашнинг тақик тури 3 гуруҳга бўлиниши таҳлилга тортилган: *Превентив тақик (preventifs)*. Бундай тақик ман этишдан олдин маълум қилинади, масалан: – *Ҳой, яхшилар, бу уйда домла турадилар. Тегманглар, Худодан қўрқинглар!*²⁰ *Инхибитив тақик (inhibitifs)*. Ушбу тақик қўйиш вақтида маълум қилинади, масалан: *Тушингизда ўлик-пўлик кўриб*

¹⁵ Донцова Д.А. 13 несчастий Геракла. – М., 2005. – С. 260.

¹⁶ Зикриллаев Г.Н. Модальность и система форм изъявительного наклонения: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Т., 1978. – С.11.

¹⁷ Guy de Maupassant. Bel Ami. – М., 2016. – Р. 43.

¹⁸ Ёқубов О. Танланган асарлар. – Т., 2005. – Б. 54.

¹⁹ Донцова Д.А. 13 несчастий Геракла. – М., 2005. – С. 357.

²⁰ Тоҳир Малик. Шайтанат. 2-жилд. – Т., 1998. – Б. 26.

кўрқдингизми? – хотини саволига жавоб кутмай, ўрнига чўзилди. – **Чалқанча ётманг, яна босинқирайсиз**²¹. **Корректив тақиқ (correctifs)**²². Бундай тақиқ бирор бир нимани қилиб бўлганидан кейингина тақиқланади, масалан: *Кўкрагидан зарба еган Йигитали аччиқланди-да, уни ёқасидан олди: – Тегма, деяпман сенга, итдан тарқаган!*²³

Ундашнинг реквестив тури ўз ичига *илтимос, ўтинч, таклифни* олади.

Кўпгина лингвистлар илтимосга ундашнинг мустақил тури сифатида қарашади. Дарҳақиқат, у ўз маъносига эга, функционал жихатидан келиб чиқиб, мулоқот жараёнида кенг қўлланилади.

Е.В. Бойчук таснифига асосланган ҳолда илтимос ундашнинг кўринишларини француз, ўзбек ва рус тилларидаги мисолларда қиёслаймиз:

1. Ҳаракатни бажариш ҳақида илтимос – адресант томонидан адресатга йўналтирилган бўлади. Масалан: *Jevoudrais bien un peu de café, s'il te plaît, pouvois Cela te ferait du bien*²⁴. Мисолда адресантнинг ўз энагасига қаҳва олиб келиш ҳақидаги илтимоси француз тилида *s'il te plaît* ибораси билан ифодаланиши нутқга мулойимлик ва хушмуомалалик тусини беришини кўриш мумкин. *Бозор тўла узуму шафтолилар, қип-қизариб пишган нақш олмалар, гайнолюю олхўрилар... Холажон, узумингиздан бир бош беринг*²⁵. Ушбу мисолда узумдан бир бош бериш ҳақидаги илтимосга -жон аффикси орқали эркалаш туси берилган. Ўзбек тилида -жон аффикси нафақат ўзига яқин бўлган қариндошларга нисбатан кўшилиб, балки мулоқотга ҳурмат ва хушмуомалалаликни олиб кириш учун ҳам ишлатилади.

– *Липа! – сёрдито окликнула её Марина Петровна. – Я прошу тебя, проснись, пожайлуста!* – *Или иди домой и бери больничный, если не можешь нормально работать!*²⁶ Ушбу мисолда ҳаракатни биргаликда бажариш ҳақидаги илтимос *пожайлуста* ва *прошу* сўзлари орқали берилган. Мисолдаги *прошу* ифодасида ўтинч туси мавжуд.

2. Ҳаракатни биргаликда бажариш ҳақида илтимос – адресант томонидан адресатга бирор-бир ҳаракатни биргаликда амалга ошириш учун қўлланилади. Масалан: *Ne pleure plus, s'il te plaît, pouvois. Allons, ma vieille bonne rotte rouge*²⁷. *S'il te plaît* ифодаси орқали илтимос маъноси берилган. *Allons* сўзи билан иш-ҳаракатни биргаликда бажариш ҳақидаги илтимос ифодаланганлигини гувоҳи бўлиш мумкин.

Омон пилдираб келиб оёғимга ёпишиди, кўтариб олдим. – Ака, опам менга укача туғиб берябдимми? – шивирлаб сўради у.

– *Билмадим.*

²¹ Тоҳир Малик. Шайтанат. 2-жилд. – Т., 1998. – Б. 7.

²² Тақиқ турлари ҳақида қаранг: <http://frgf.utmn.ru>.

²³ Тоҳир Малик. Шайтанат. 2-жилд. – Т., 1998. – Б. 27.

²⁴ Jean Anouilh. Antigone. – P., 2009. – P. 21.

²⁵ Тўхтабоев Х. Беш болали йигитча. – Т., 1975. – Б. 130.

²⁶ Устинова Т.В. Дом-фантом. – М., 2005. – С. 50.

²⁷ Jean Anouilh. Antigone. – P., 2009. – P. 20.

– *Ака, опамнинг олдига кирайлик, укачани кўрайлик*²⁸. Мисолда *кирайлик, кўрайлик* ифодасида илтимос иш-ҳаракатни бирга бажаришга чорловчи *-лик* аффикси ёрдамида ўз аксини топган.

– *Пошли, Ваня, – велел Кузьминский. Мы спустились вниз и сели за стол*²⁹. *Пошли* ифодасида иш-ҳаракатни биргаликда бажариш ҳақидаги илтимос феълнинг аниқ майли ўтган замон кўплик орқали берилган бўлиб, *велел* сўзи муаллифнинг изоҳидан илтимос ундашини тушуниш мумкин.

3. Рухсат олиш учун илтимос – адресант томонидан адресатдан рухсат олинади. Илтимос ундашнинг рухсат олиш учун қилинадиган сўровида асос сифатида адресатнинг маъкеи юқорилиги хизмат қилади. Бундай илтимосларда *рухсат берсангиз* ва *ижозат этсангиз* каби иборалар илтимос-ундашга расмийлик тусини бериб, адресатнинг даражаси баландлигини янада таъкидлайди.

4. Регулятив (жамоага йўналтирилган) илтимос – жамият томонидан ўрнатилган қонун-қоида меъёрларига риоя қилиниши кераклиги ҳақида берилган илтимосир. *Attention à la tête s'il vous plaît; Илтимос қиламиз, оромгоҳ ҳудудида ахлат ташламанг, уларни махсус белгиланган жойга олиб боринг (маъмурият); Убедительная просьба, дверью не хлопать.*

5. Корректив (ҳаракатни тўхтатиш ёки ўзгартириш ҳақида) илтимос. Агар суҳбатдошларнинг ўзаро муносабатлари расмий хусусиятга эга бўлса, шартли типдаги ибораларни ўз ичига олган гаплар янада хушмуомала вариант ҳисобланади. Масалан: *Si ça ne vous dérange pas, faites comme moi. Faites ce que vous avez à faire.* Ҳаракатни тўхтатиш ёки ўзгартириш ҳақидаги илтимос *Si ça ne vous dérange pas* ифодаси билан берилганлиги илтимос оттенкасини борлигидан дарак беради.

6. Партитив (ҳаракатни қисман бажариш ёки бошқа ҳаракатни амалга ошириш ҳақидаги) илтимос: *Қўй, қизим, болажоним илтимос сендан, бировга ёмонлик тилама. Гуноҳи бўлса Худонинг ўзи жазолайди.*

*Сделай хотя бы одно упражнение или не морочь мне голову своим домашним заданием*³⁰.

Шундай қилиб, француз, ўзбек ва рус тилларида ҳаракатни бажариш ҳақида илтимос, ҳаракатни биргаликда бажариш ҳақида илтимос, рухсат олиш учун илтимос, регулятив (жамоага йўналтирилган) илтимос, корректив (ҳаракатни тўхтатиш ёки ўзгартириш ҳақида) илтимос, партитив (ҳаракатни қисман бажариш ёки бошқа ҳаракатни амалга ошириш ҳақидаги) илтимос берилишини кўриб ўтдик.

Ундашнинг реквестив туридан бири – бу таклиф ундаши бўлиб, у адресант ва адресат учун муҳим. В.Е. Иосифова ёзишича, таклифни ундашнинг яққол кўзга кўринган турларидан бири деб аташ мумкин³¹.

²⁸ Тўхтабоев Х. Беш болали йигитча. – Т., 1975. – Б. 63.

²⁹ Донцова Д.А. 13 несчастий Геракла. – М., 2005. – С. 46.

³⁰ Ўша манба. – Б. 81.

³¹ Иосифова В.Е. Побудительные высказывания с формами сослагательного наклонения. 2011. – С. 8.

Таклиф қилиш учун илтимос ундашидан кенг фойдаланиб, бирор кишини бирор жойга таклиф қилиш, бирор нимани бажариш таклифини адресант томонидан адресатга бериш мумкин. Масалан, *Viens, il faut que je te présente à mon cousin Henri! En disant cela, il m'entraîna jusqu'à lui*³². Шу пайт чойхона эшиги очилиб, челак кўтарган самоворчи чиқиб қолди ва от етаклаб турган басавлат йўловчини кўриб унга яқинлашди: – **Келинг, меҳмон! Таклиф қилмоқчиман сизни, қани ичкарига! Келингиз меҳмон! – Кампир илтифот қилди: – Қайнонангиз суяр экан, овқат устига чиқдингиз. Ўтирингиз. Бешбармоқдан енгиз!**³³. Я вам не запрещаю лететь в Москву. Но я вам **предлагаю**, чтоб вы остались тут. Для этого я готов употребить все дозволенные и даже недозволенные средства.

Бирон-бир ишни бажариш ҳақида ҳаракатга даъват этиб таклиф бериш учун таклиф ундашидан фойдаланилади. Шу туфайли илтимос, ўтинч ва таклиф семаларини шунчаки фарқлаш осон кечавермайди. Мазкур семалар фақат контекстда реаллашади.

Ундашнинг суггестив тури ўз ичига *маслаҳат, тавсия ва огоҳлантиришни* олади. Ундашнинг суггестив турида адресант бирор нимани қилиш ёки қилмаслик учун ҳамсуҳбатдошига нисбатан ушбу ундовларни йўллайди.

Маслаҳат ундашида коммуникантларнинг статусларидан қатъий назар уни амалга ошириш мумкин ва унда даражалар тенглиги мавжуд.

- *Sans doute vous dites-vous: comment pourrais je me recommander d'un proscrit auprès d'un représentant du gouvernement persan lui*³⁴.

– *Сиздан **маслаҳат сўраб келдим.***

– *Мен ҳам йўқот, десам-чи? Ё йигитларимга айтсам-чи?*

– ***У ёмон одам эмас, гуноҳи бўлса кечирини мумкинмасми?***³⁵.

*Давайте так. Я ей позвоню, расскажу про твои проблемы, и потом ты с ней **посоветуешься***³⁶.

Маслаҳат ундаши нутқга хушмуомалалик тусини беради. Уларни ифода этишда адресантнинг исмлари билан мурожаат қилиш эса эмоционалликни оширади. *Тётя Вера, эти таблетки помогают сердцу, но нужно сначала **сдать анализы и посоветоваться с врачом.***

Огоҳлантириш ундашини бирор бир ҳаракатни бажаришга нисбатан ёки ушбу ҳаракатни бажармасликка қаратилган бўлиши мумкин. Масалан: *Je dois vous **prévenir** que cet homme est un déséquilibré et un obsédé, ne le fréquentez pas plus qu'il ne faut*³⁷.

*Аёл сизни жуда қаттиқ севса, **хушёр бўлинг.** Оташин муҳаббат – рашкка, рашк – шубҳага, шубҳа – худбинликка, худбинлик – душманликка*

³² Maalouf A. Samarcande. – P. 1988. – P. 207.

³³ Қодирий А., Меҳробдан чаён. – Т., 1987. – Б. 387.

³⁴ Maalouf A. Samarcande. – P. 1988. – P. 228.

³⁵ Тоҳир Малик. Шайтанат. 2-жилд. – Т., 1998. – Б. 8.

³⁶ Устинова Т.В. Дом-фантом. – М., 2005. – С. 229.

³⁷ Maalouf A. Samarcande. – P. 1988. – P. 229.

айланиши мумкин³⁸. Александров успел *отвести удар и предупредил столкновение он орал осторожно!*

Шундай қилиб, огоҳлантириш ундаши бирор нарса, ҳодиса ёки жараён ҳақида хабардор, огоҳ қилиш орқали маълум бир иш-ҳаракатни бажариш ёки бажармасликка қаратилган бўлади.

Диссертациянинг «Француз, ўзбек ва рус тилларида ундашни ифодаловчи тил бирликларининг лингвомаданий таҳлили» номли учинчи боб қиёсланаётган тилларда прескриптив, реквестив, суггестив турларга кирувчи ундашларни ифодаловчи тил бирликларининг лингвомаданий хусусиятлари ёритилган, улардаги ўхшашлик ва ўзига хослик аниқланган.

Француз, ўзбек, рус тилларида буйруқ ва фармойиш ундашлари нутқ жараёнида махсус лексик ҳамда грамматик воситалар ёрдамида ўз ифодасини топади. Лексик, грамматик воситалар ёрдамида буйруқ ва фармойишнинг берилиши қиёсланаётган тиллар олам манзарасининг ўзига хослигини белгилайди. Масалан, ушбу тилларда буйруқ махсус феъллар иштирокида, феълнинг инфинитив шакли ва майл категориялари орқали ифодаланиб келиши мумкин. Бунда буйруқнинг инфинитив ёрдамида берилиши асосан француз ва рус олам манзарасига хос бўлиб, унинг қатъийлиги, мажбурийлигини билдиради, масалан: *Agiter le facon avant de s'en servir. Ne pas exposer à l'humidité. Брейк! – вдруг гаркнул Добровольский так, что от дальней стены отвалился изрядный пласт штукатурки. – Стоять!*³⁹.

Ўзбек олам манзарасида буйруқ ундаши кўп ҳолларда андиша, ҳурмат ва хушмуомалалик қадриятларига асосланган ҳолда феъл майллари шаклларида ўз ифодасини топади. Француз ва рус тилларида инфинитив билан берилган буйруқ ундашининг қатъийлиги ўзбек тилида феълнинг 2 шахс бирлик ва кўплик шакли ёки мажхул даражадаги феълларга *-син* аффиксини қўшиш орқали ифодаланади.

Рухсат ва тақиқ турли тил бирликлари ёрдамида ўз ифодасини топади. Француз, ўзбек, рус тилларида рухсат ва тақиқ махсус сўзлар, феъл шакллари, рухсат ва тақиқда қўлланиладиган жавоб репликалар орқали ифодаланиши мумкин. Жумладан, махсус сўзлар иштирокида рухсат ундашини ифодалашда *рухсат* сўзи қиёсланаётган тилларда кенг қўлланилади, аммо «кетишга ижозат (жавоб)» маъносида қўлланилиши фақат ўзбек тилига хосдир: – *Сенларга рухсат, такасалтанглар! Пенсияга чиқдик деб, бировнинг текин қимизини ичиб, текин овқатини еб, азанаб ётаверасанларми? Уят ҳам керак-да бундоқ!*⁴⁰. Таъкидлаш лозимки, ўзбек тили олам манзарасида жавоб маъносидаги *рухсат*нинг ранг-баранг, турли вазиятларда ифодаланиши нутққа ўзгача бир тус олиб киради.

³⁸ Хошимов Ў. Дафтар хошиясидаги битиклар. – Т., 1998. – Б. 7.

³⁹ Устинова Т.В. Дом-фантом. – М., 2005. – С. 254.

⁴⁰ Ёқубов О. Танланган асарлар. – Т., 2005. – Б. 37.

Рухсат ундаши жавоб репликаларида ҳар бир миллатнинг дунё манзарасидан келиб чиқиб, лингвомаданий сўз ва ибораларда ўз аксини турлича топади.

Масалан: – *Я тогда позвоню ему попозже, с вашего разрешения?*

– **Ради Бога!**⁴¹ **Ради Бога!** жавоби орқали рухсат берилган.

– *Ну что, снимаю?*

– **С Богом!** – *подбодрила я его, и в результате виртуозных движений рук ювелира цепь с крестом вскоре была бережно отделена от шеи их последнего владельца и с благовейным трепетом помещена в специально приготовленный конверт*⁴².

